

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқо бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ


№ 235 (10.288)

2004 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬ

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар кuni тобора яқинлашмоқда. Ушбу муҳим сиёсий жараёнда биринчи марта овоз берадиган ёшлар сайлов участкаларида бўлиб сайлов қончилигига оид адабиётлар, бешта сиёсий партиянинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишмоқдалар.

СУРАТДА: А.Икромов туманидаги 5-Максуд Шайхзода сайлов округида биринчи марта овоз беришга тайёрланаётган Гулчехра Ҳошимова сайловга оид адабиётлар билан танишмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



МДҲ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу йил 26 декабрь кuni Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларда иштирок этадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари миссияси Тошкентда иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида миссияни рўйхатга олишга бағйишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизга ташриф буюрган МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — МДҲ ижроичи котиби Владимир Рушайло бошчилигидаги делегация қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бүритиш Мустафоев мамлакатимизда Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига мутлақо янги асосда ташкил этилган сайловларни ўтказишга тайёргарликнинг бориши ҳақида сузлади.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта икки палатали парламент шакллантирилмоқда, бу эса мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашаётганидан далолат беради. Сайлов кампаниясида бешта сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирок этмоқда. Сайловга тайёргарлик очиклик, ошқоралик ва транспарентлик руҳида бормоқда. Ҳамдўстлик мамлакатларидан халқаро кузатувчилар миссиясининг рўйхатдан ўтиши ҳам бунни тасдиқлайди.

Учрашув қатнашчилари миссиянинг бўлуғуси фаолияти билан боғлиқ қатор масалаларни муҳожама этдилар.

Учрашув яқунланган, Владимир Рушайло матбуот учун баёнот берди. У миссия МДҲ мамлакатларида ўтказилган сайловларни кузатиш борасида катта тажриба туллаганини таъкидлади. Жумладан, МДҲ кузатувчилари Ҳамдўстликнинг етти давлатида ўтган 17 сайлов ва референдумда қатнашган. Бугундан эътиборан МДҲнинг беш нафар доимий кузатувчиси Ўзбекистонда шундай иш бошлайди. Бундан та-

шқари, тез орада Ҳамдўстлик мамлакатлари кузатувчиларининг аниқ сони ҳам маълум бўлади. Улар сайлов округларида Ўзбекистон сайлов қончилигига риоя этилишини беvosита сайлов арафасида ва сайлов вақтида назорат қиладилар. Кузатувчилар сайловдан бир неча кун олдин мамлакатимизга келади. В.Рушайло республика раҳбарияти ва шаҳсан Президент Ислам Каримовга мамлакатимизда МДҲ халқаро кузатувчилари миссияси ишига қўрсатилган эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида МДҲ халқаро кузатувчилари миссияси аъзолари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

В.Рушайло миссия ишини ташкил этиш ҳақида гапирар экан, у ўз фаолиятини ЕХТ миссияси билан яқин ҳамкорликда олиб боришини таъкидлади. Миссияларнинг баҳолаш базасини ташкил этадиган кузатувчилар анкеталари асосий қўрсаткичлар бўйича бир-бирига ўхшаш ва мазмунан бир хил. Бирок, МДҲ ва ЕХТ кузатувчилари миссияларининг Қозоғистон, Беларус ва Украинада ўтган сайловлардаги фаолияти тажрибасидан кўринадик, муайян воқеаларни баҳолашга ёндашувларда қайсибир даражаларда тафовутлар мавжуд.

Миссия иштирокчилари МДҲ кузатувчилари иш олиб бориши учун Ўзбекистонда барча шароит яратилганини қайд этдилар. Марказий сайлов комиссияси томонидан улар сайловларга тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги зарур ахборот билан таъминланмоқда. Сайловга тайёргарлик ишчан, очик ва ошқоралик руҳида бормоқда.

Анна ИВАНОВА,
Ғулум МИРЗО,
ЎЗА мухбирлари

РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИҚЛАРИ АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида икки мамлакат ҳаво кенгликлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ва ҳарбий-хаво кучларидан ҳамда Россия Федерацияси ҳарбий-хаво кучларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битимнинг ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Алмашув тўғрисидаги протоколларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Содик Сафоев ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Фарид Мухаметшин имзо чекдилар.

ЎЗА

XVI саҳоси аср

Барча малбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Кеча Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, шунингдек, бошқа қўмита ва комиссияларининг сессияолди йиғилишлари бўлиб ўтди.

• Кеча «Фидокорлар» миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлисидаги депутатлар фракцияларининг сессияолди йиғилишлари ўтказилди.

• Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Умуммамлакат оммавий марафонининг Термиздан йўлга чиққан иштирокчилари Самарқанд шаҳрига етиб келишди.

• Меҳр ва мурувват йили ҳамда Конституцияимизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Саломатлик» спартакиадасининг Тошкент вилоят босқичи яқунланди.

• Конституция кунига бағишлаб Хоразм вилояти умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

• Кеча Тошкентда 2005 йилда истеъмолчиларга ноозик-овқат товарлари (енгил sanoат махсулотларидан ташқари) етказиб бериш мақсадида республика улгуржи савдо-ярмаркаси очилди.

• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетига «Қорақалпоқ халқи этногенези ва этник тарихи» мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

• Беруний туманидаги «Ёшлик» савдо-ишлаб чиқариш мажмуида ўтказилган танловда ошпаз, официант ва қандолатчилар тотли таом пишириш, намунали хизмат қўрсатиш бўйича маҳоратларини намойиш этишди.

Жаҳонда

• Европа Комиссияси Суданда рўй берган қуролли можаролар пайтида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида 51 миллион евро ажратишни режалаштирмоқда.

• Фаластиннинг асосий ташкилоти бўлиш ФАТХ 9 январга белгиланган Фаластин мухторияти президенти сайловларига ўз номзоди — 69 ёшли Маҳмуд Аббосни расман кўрсатди.

• Афғонистон ўтиш ҳукумати мудофаа вазирлиги вакилининг билдиришича, ушбу мамлакатда ўғирлиб, 26 кун давомида ушлаб турилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уч нафар ходими озод қилинган.

• Япониянинг Хоккайдо оролида Рихтер шкаласи бўйича 4,8 балл кучга эга иккита ер силкини рўй берди. Натижада айрим вайронагарчиликлар рўй берган, 20 киши турли даражадаги тан жароҳати олган.

• Санкт-Петербургдаги Балтика заводида қурилаётган «Галабининг 50 йиллиги» атом музёрида чиққан ёнғин тез орада жиловланди.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТЧИ

БУГУН

ФУҚАРОЛАРНИНГ
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИДАН

халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига қўрсатилган номзодлар фаолияти ва уларнинг сайловолди дастурлари юзасидан чиқишлари газетаниннг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.



ТАДБИРКОРЛАР ВА
ИШБИЛАРМОНЛАР
ҲАРАКАТИ—ЎЗБЕКИСТОН
ЛИБЕРАЛ-
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига қўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетаниннг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЁН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2 декабрь кuni эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 1 декабрь кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 2 декабрь кuni соат 8.30дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Конституциянинг асосий мазмун-моҳияти ва қонуннинг ҳақиқатлари

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кун
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **БУГУН** Ҳамза туманида жойлашган Усмон Юсупов маҳалласи ҳудудидаги Миллий банк гузариди маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида уюштирилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Бектемир туманидаги «Маврифат» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ва бошқа ҳомий ташкилотлар кўмагида «Нихол» болалар спорт мажмуаси очилди.

● **ЎТГАН** кун Сергели туманидаги 47-мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Камолот — сенинг ташкилотинг» деб номланди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Гузар» маҳалласида маҳалла фаоллари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатидида яқинлашган келадиган парламент сайловларида аёлларнинг фаоллигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

● **БУГУН** шахримиздаги Амир Темуր номли маҳалла гузариди ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти Сергели туман бўлими ташаббуслари билан уюштирилган кизикarli уйинларда мактабларнинг энг фаол ўқувчилари этишди.

● **КЕЧА** Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида расом Баҳром Тожиев томонидан яратилган асарлар кўргазмаси очилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институти қошидаги чет тиллар академик лицейида ҳуқуқшунослик фани бўйича амалиёт дarsi уюштирилди. Шунингдек, тадбир катнашчиларига икки палатали парламентнинг моҳияти яна бир қарра тушунтириб берилди.

● **МИРОБОД** туманидаги 110-мактабда туман ички ишлар бошқармаси энгин хавфсизлиги бўлими вакиллари ҳамда ўқувчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбатидида юртимизга ноқонуний равишда кириб келадиган пиротехника воситаларининг зарари оқибатлари ҳусусида сўз борди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 135-мактабда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган баскетбол мусобақаси янқуланди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 241-мактабда туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида мини-футбол бўйича туман мактаблари ўртасида уюштирилган мусобақалар якунига етди.

Тошкент шаҳар
хоқимлиги Матбуот
хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ

Хар бир жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг мустақиллик пайдоворини қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши улкан ютуқларининг деб-очаси бўлди.

Конституция хар бир давлатнинг ўзига хос «паспорти» бўлиб, мазкур давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги қиёфасини белгиловчи муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир.

Мутахассисларнинг хабар беришича, дунёда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини мужассам этган 800 дан ортиқроқ Конституция қабул қилинган экан. Ана шулар ичида бундан ўн икки йил муқаддам қабул қилинган Асосий Қонуни бизнинг Асосий Қонунига жаҳондаги йирик сиёсатшунос экспертлар томонидан хар томонлама пухта ишланган, муқамал ҳужжат сифатида эътироф этилиб, тан олинди.

Мустақиллигимизнинг қонуний рамзи бўлган Конституциямизни баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби обурули давлат ва халқаро ташкилотларнинг кўзга кўринган олимлари фаол иштирок этдилар.

Асосий Қомусимизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркининг равнақ топиши учун реал шарт-шароитлар яратиш ўз ифодасини топган. Умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқаро ва миллатлараро дўстлик, миллатлараро бирдамлик каби энг улуг ғояларга хизмат қилиб келмоқда.

Хар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури махсулидир.

— Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони бугунги демократик янгиликни жараёнида, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, салоҳияти ва имкониятларини тўла рўёбга чиқариш учун зарур шароит яратишга қаратилгандир.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими аёлларнинг тайинлиши бежиз эмас. Негаки, оилада соғлом маънавий муҳитни таъминлашда, фарзандларимизнинг қомил инсон бўлиб вояга етишида аёлларнинг ўрни ва хизмати бекиёсдир.

Пойтахтимиз аҳолисининг аэлик бир фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлди.

Президентимиз Фармонида белгиланган талаб ва вазифалардан келиб чиқиб, шаҳардаги мавжуд 452 маҳалланин хар биридаги маслаҳатчи лавозимига энг муносиб номзодлар танлаб олинди. Айниқса, Собир Раҳимов, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур туманларида маслаҳатчилар тайинлиши ўта жиддий ва қатъий талаблар асосида кечди. Улар давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини тўла англаб етган, кишилар қалбига йўл топа оладиган ва маҳалладошларининг ишончини қозонган, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш борисида билим ва тажрибага эга аёллардир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, шахримизнинг энг фидойи ва жонқуяр аёллари айнан шу лавозимда фаолият кўрсатмоқдалар.

Конституциямизнинг асосий мазмун-моҳияти ва қонунлари, ички салоҳияти мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилган.

Халқимиз иродаси ва руҳиятининг ифодаси бўлмиш Конституциямизнинг ўтган давр ичида халқ онгига сингиб кетишида, унинг жаҳондаги ривожланган мамлакатлар ўртасида ҳам обуру-эътибор қозонишида инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлод олдидаги юксак

билан ғурурланишимиз лозим. Чунки, унинг меъёрларида инсон ҳуқуқи, давлат суверенитети ғоялари, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият эътироф этилади.

Албатта, Конституция қабул қилиш билан барча масалалар ҳал этилди, иш битди, деб бўлмайди. Ҳамма гап уни амалга ошириш, ҳаётга табиқ қилишда, унинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишда, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида ундан фойдалана билишдадир.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ватандошларимизнинг айрим қатламлари, хусусан мактаб ёшдаги болалар, ўсмирларимиз, яшириб нима қилмади, кўпгина ўрта ёшдагилар ҳам хали-хануз Конституциямизнинг том маъносини тушуниб етолмаётганларининг шоҳиди бўлмоқдамиз.

Шу ўринда Юртбошимизнинг «Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва хар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб боришимиз, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор», деган ўгити барчамиз учун дастуруламал бўлмоғи лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақазо қилмоқда.

Адолат ҳукмронлик қиладиган давлат қуришга киришган эканмиз, иқтисодий-иҷтимоий, ижтимоий ҳаётни яхшилаш билан бир қаторда мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий билимларини ҳам юқори даражага кўтармоғимиз зарур. Хар бир ёш авлод онгига қонунларга, қонуний-лигимизга ҳурмат руҳини янада юқори босқичга кўтариш лозим. Буюк сохибқирон бобоимиз Амир Темурунинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» деган пурмаъно сўзлари ҳаётимиз мазмунининг асосини ташкил этиши керак.

Шавкат ЁКУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар қасб-хунар коллежи
«Маънавий ва маърифат» бўлими масъул ходими.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҚОНУНИЙ РАМЗИ

Халқимизнинг эрк-иродаси, қадриятлари ва заковати ифодаланган Конституциямиз қабул қилинганга ўн икки йил тўляпти.

масъулиятни англаш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирешларини таъминлаш каби буюк мақсадларга қаратилган олижаноб мақсадлар низоҳтда кўл келди.

Халқ маффаатларини кафолатловчи Қомусимиз бошқа янги мустақил давлатлар Конституцияларидан фарқ қилиб, ўтиш давригагина мўлжалланмасдан, балки давлат ва жамият ривожланишининг кейинги йўналишини ҳам белгилаб берувчи дастурий ҳужжат эканлиги диққатга жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларини тартибга солиб қолмай, балки давлат ва жамият ривожланишида вужудга келадиган муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Бу ўринда кўппартиявийлик, бозор муносабатлари, хусусий мулкчиликнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган шароитларни эсга олиш кифоя.

Бизнинг Асосий Қомусимизда халқимизнинг нафақат бугунги моҳиятини, балки одил жамият қуриш тўғрисидаги асрий ору-армонлари ҳам мустаҳкамлангандир. Биз ўз Конституциямиз

Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг шу йил 25 майдаги Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўзлаб-куватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра маҳалла ва фуқаролик йиғинларида диний маърифат ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими таъсис этилди. Бугунги кунда аёлларнинг жамиятдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги маъкеини оширишда, уларнинг фаоллигини янада кучайтиришда, шу билан бирга хотин-қизларнинг муаммоларини чуқур ўрганишда, ёшлар онгига соғлом фикрни шакллантиришда ана шу маслаҳатчиларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлмоқда. Бу борада пойтахтимизда амалга оширилган ишлар ҳусусида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида АБДУРАХИМОВА ўза мухбирига куйидагиларни сўзлаб берди:

Сардон ва ижро

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ушбу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида кўмитамиз бир неча йўналишда фаолият олиб бормоқда. Тошкент Ислоҳ университети мутахассислари, диншунос олимлар, маънавият ва маърифат жонқуялари билан ҳамкорликда маслаҳатчилар учун ўқув семинарлари ташкил этилди.

Бу борада Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридида доимий ишлайдиган махсус комиссия режасига асосан маҳаллалар ва хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, маслаҳатчилар, олимлар, ҳуқуқшунослар иштирокида турли учрашувлар, маърифий анжуманлар мунтазам ўтказилаётир. Аёлларимизнинг сиёсий ва диний дунёкараши тўғри шаклланишида бундай тадбирларнинг аҳамияти катта бўлаётир.

Маслаҳатчилар фаолиятининг нечоғли самарали бўлиши улар учун яратилган шароитга ҳам боғлиқ. Шу маънода,

хар бир маслаҳатчининг алоҳида хона, техник жиҳозлар, зарур адабиётлар билан таъминлинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу соҳада ишлаётган аёлларимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий йўналишда фаолият олиб бориш билан бир қаторда турли удум ва тўй-маъракаларнинг тартибли ўтишида ҳам бош-қош бўлаётир. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, бўлажак сайловларнинг аҳамиятини тушунтириш, маҳалла аҳлини огоҳлиш ва хушёрликка давъат этиш, уларни турли зарарли оқимлар тасирига тушиб қолишдек хатарли йўлдан қайтариш ҳам маслаҳатчилар фаолиятининг асосини ташкил этади.

Бу борада Акмал Икромов туманидаги «Уриқзор», Акмал Икромов номидаги, Шайхонтоҳур туманидаги «Эшонгузар», «Зангиота», Чилонзор туманидаги «1-Чарх Камолон» ва «2-Чарх Камолон», Лутғий но-

мидаги маҳаллаларда иш самарали ташкил этилганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Фаолиятини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин бўлган Собир Раҳимов тумани «Намуна» маҳалласидаги Мунаррах Соҳидова, «Университет» маҳалласидаги Рафика Малохўжаева, «Ачаобод»даги Мухаррам Расулова, «Пахта»даги Моҳира Гафурова каби фидойи маслаҳатчиларимизнинг маҳалладаги хар бир оиланин ишончли вакилига айланган, уларнинг дарди, муаммоларини англаб, ечимини топишга киришаётгани эътиборга лойиқдир. Улар бугун жойлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг энг яқин ёрдамчиларига айланган.

Маслаҳатчиларнинг ўзаро тажриба алмашишини, малака оширишини, оилаларга кўпроқ кириб боришини таъминлаш мақсадида махсус мониторинг олиб боришга, ишчи яхши ташкил этган маслаҳатчилар фаолиятини кенг тарғиб қилишга эътиборни кучайтирмоқдамиз. Ёрдамга эҳтиёж сезаётганларга эса Тошкент Ислоҳ университетининг аспирантлари, магистрантлари, юқори курслардаги талабаларини бириктириб қўйишни режалаштирганмиз.

Булардан ташқари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар фаолиятини давр талаби даражасида ташкил этиш учун турли вазирилик, идора ва ташкилотлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтирмоқдамиз. Зеро, ана шундай ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар орқали Президентимиз Фармонида белгиланган вазифаларни тўла амалга оширишимиз мумкин.

Ўза мухбири
Назокат УСМОНОВА
ёзиб олди.

Иқтисодий

ШИФОБАХШ
ДОРИВОР
ГИЁҲЛАР

Беморларни халқ табиоти ҳисобланган шифобахш гиёҳлар билан даволаш кейинги йилларда шифокорлар томонидан кенг қўлланилмоқда. Мирзо Улугбек туманидаги «Gerbaftam» хусусий корхонаси фаолияти ҳам айни юртимиздаги ўсимликлар олами билан чамбарчас боғлиқ.

Маъмур корхона жамоаси 1995 йилда иш бошлаган бўлса, ҳозирги кунга келиб 40 турдан ортиқ доривор ўсимликларга қайта ишлов берилиб, қадоқланиб савдога чиқарилмоқда. Маҳсулотларнинг барчаси сертификатланган.

Доривор гиёҳлар асосан Тошкент вилоятидаги Бўстонлик, Паркент тоғларидан, Наманган, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларидан тегиб келтирилади ҳамда кўплаб хасталикларни даволашда самарали қўлланилади. Масалан, полпола деб номланган доривор ўсимлиги тузларни эритувчи, бояришник, гижжа туширувчи, пижма, солodka юкори нафас йўллари даволаш учун қўлланилади. Бугунгача корхона жамоаси томонидан 100 мингтага яқин пакетчаларда қадоқланган шифобахш ўсимликлар дорихоналарга етказиб берилди.

Корхона тadbиркорлари доимо изланишда. Ички бозорни чуқур ўрганиш асосида кичик заводни ишга тушириш мақсадларини кўзлаб меҳнат қилаётган жамоа аъзолари янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қатъий режалашган. Улар янги йилда таблеткалар ҳамда настойкалар тайёрлашни йўлга қўйишмоқчи.

МАҲАЛЛИЙ
ХОМ АШЕДАН

Кейинги йилларда ички бозоримизни маҳаллий хом ашёдан сифатли, кўркам, рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадларини кўзлаб кўплаб корхоналар унумли меҳнат қилмоқдалар.

Собир Рахимов туманидаги «Mabi-chinni» хусусий корхонаси 2000 йилда 10 нафардан иборат жамоа билан иш бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб 30 нафардан ортиқ малакали ишчи-хизматчилар ғайрат-шижоати билан ҳар бир хонадонга керакли бўлган чинни буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Асосий эътиборни сифатга қаратган ҳолда меҳнат қилаётган чиннисозлар маҳаллий хом ашёдан бежирим коса, пиела ҳамда чойнақлар тайёрлаб, буюртмачиларни мамнун қилишмоқда. Эътиборли томони, корхона цехида ўзимизнинг дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида нафакат пойтахтлик, балки Бухоро, Қарши, Келес каби шаҳарларга ҳам буюртмалар ўз муддатларида жўнатишмоқда.

Хусусий корхона тadbиркорлари аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда иш юритиб, янги йилда каттагина режаларни амалга ошириш ҳозирлигини кўришмоқда.

Муҳаббат
ҲАБИЛЛАЕВА

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

Сайловлар талабалар нигоҳида

МУНОСИБЛАРГА ОВОЗ БЕРАМИЗ

Сиёсат майдонида мустақил ўлкаимизнинг умидли келажаги бўлмиш талаба-ёшлар фаолигини кучайтириш муҳим вазифалардан биридир. Шу маънода мамлакатимизда сайловларга тайёргарлик ишлари қизгин давом этаётган бир паллада талабаларнинг сайлов ҳақидаги билими, амалга оширилаётган сиёсий жараёнларга қизиқишлари қай даражада мазмунидаги ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети талабаларининг бир нечтасини суҳбатга тортиб, уларнинг фикрлари билан танишдик.

Алишер КОРАЕВ — Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг эртанги куни, керак бўлса тақдир қандай қонунлар қабул қилинишига боғлиқ. Қонулар албатта, халқ ишониб сайлаган депутатларимиз томонидан яратилади ва ҳаётга татбиқ қилинади. Шундай экан ҳар биримиз, айниқса биз талаба ёшлар халқ дardини ўзимнинг дардим дейдиган, ҳалол, билимли номзодларни онгли равишда фарқлаб овоз беришимиз керак.



Гулрухсор ХОЛЛИЁРОВА — Бўлажак сайловларда кўпчилик талабалар қатори мен ҳам биринчи марта овоз бераман.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари орқали сайловга оид барча маълумотлар батафсил бериб берилмоқда, уларнинг кўпчилигини кузатиб бораман. Бундан ташқари сайлов жараёнига бағишланган тadbирларнинг университетимизда кўп мартаба ташкил этилиши, бизга сайлов ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтириш, партиялар фаолияти билан яқиндан танишиш имконини бермоқда. Яқинлашиб келаётган сайлов жараёнида талабалар иштироки юқори даражада бўлади деб ўйлайман.

Шухрат ҲАЙИТОВ — Яқин кунлар

ичида мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилади. Бу албатта оддий халқ билан янада яқин ишлашга, уларнинг муаммоларини, дardларини кенг кўламда ўрганишга имкон беради. Конституцияимизда белгиланган тартибда, сайлов ҳуқуқини илк бора амалга ошираётган талабалар ҳам бўлажак демократик сайловларда жонбозлик кўрсатиб, ёшлар ишончини қозонадиган, манфаатларини ҳимоялайдиган инсофли, ҳаракатчан номзодларни танлаб овоз беради.

Раимкул СУЯРОВ ёзиб олди.



Анжуманлар

САНИТАРИЯ ВА ЭКОЛОГИЯНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Яқинда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг 70 йиллигига бағишлаб маъмур институтда «Ўзбекистонда гигиена, санитария ва экологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров кириш сўзи билан очди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг директори, академик Т.Искандаров сўзга чиқиб маъмур институтда ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган самарали илмий-тадқиқотлар, илмий изланишлар хусусида гапирди. Саккиз секцияга бўлинган ишбу анжуманда коммунал гигиена, меҳнат гигиена,

оватқатлини гигиенаси, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, касб касалликлари сингари секциялар самарали фаолият кўрсатди. Конференцияда «Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит, аҳоли саломатлиги ҳолати ва истиқболли масалалар», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг хом ашёлари хавфсизлиги муаммоларига назар», «Ўзбекистон шароитида болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари», «Ишловчилар саломатлигига касбга алоқадор хавфнинг услубий аспектлари» ва бошқа секцияларда соҳа бўйича кўплаб маърузалар тингланди.

Долзарб муаммоларга бағишланган ишбу илмий-амалий анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: етмиш йилдан буюн самарали фаолият кўрсатиб келаётган — Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти фаолиятдан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

СПОРТ
ЖИҲОЗЛАРИ
ЯНАДА КЎПЯЯДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Вазир ўринбосари, маъмур жамғарма ижроочи директори А.Очилов мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан таълим соҳасида изчил амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу борада 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуимиллий дастурининг ижроси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дастурга кўра мактабларда спорт мажмуалари барпо этиш, таълим масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Жорий йилнинг ўзида юртимиздаги мактабларда кўплаб спорт иншоотлари, соғломлаштириш мажмуалари бунёд этилаёттир. Айни пайтда уларни зарур спорт анжомла-

ри ва жиҳозлар билан таъминлаш ишлари фаол давом эттирилмоқда. Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон спорт саноати — болаларга — 2004» кўргазмаси спорт анжомлари ишлаб чиқарувчи энг яхши корхоналарни аниқлаш имконини берди. — Кўргазмада юртимиз мебелсозларининг Санкт-Петербург шаҳри ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этган кўшма корхоналарда тайёрланган маҳсулотлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган эди.

— Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганининг ғувоҳи бўлдик, — дейди Санкт-Петербург шаҳри ёғочсозлари ва мебелчилари уюшмаси бош директори Михаил Пильцер. — Ташрифимиз чоғида болалар спорт мажмуалари, мактаб, коллеж ва лицейлар учун спорт жиҳозлари ва мебеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўшма корхоналар барпо этишни йўлга қўйиш, бу борада тажриба алмашишни ният қилганмиз.

Бу ўз навбатида спорт анжомларининг тури янада кўпайишига имкон яратади. Учрашувда ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар борасида фикр алмашилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ОМБУДСМАН —
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
ҲИМОЯЧИСИ

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) хузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

Унда Омбудсманнинг беш йиллик фаолиятига доир ҳисоботи муҳокама этилди.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Сайёра Рашидова вакилликнинг сўнги беш йиллик фаолияти мамлакатимизда демократик жараёнлар янада чуқурлашаётган даврга тўғри келганини таъкидлади.

Вакиликка ўтган давр мобайнида 25 мингдан зиёд муурожаат келиб тушди. Улардан беш мингдан ортиғи назоратга олинди, 1,5 мингдан зиёди ижобий ҳал этилди. Қолганларининг ижросини таъминлаш давом этаёттир.

Шикоятларнинг аксарияти қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва ижтимоий ҳимоя каби масалалар билан боғлиқ. Шу боис фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши юзасидан мунтазам мониторинг ўтказилляпти. Жумладан, одил судлов соҳаси бўйича муурожаатлар кўплиги инobatга олинди ўтказилган мониторинг фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга муурожаат қилганда айрим ҳолларда муайян муаммоларга дуч келаётганини кўрсатди.

«Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунларнинг барча минтақалардаги ижроси мониторинги изчил юритилди.

Жазони ижро этиш муассасаларида учрашувлар ўтказилди. Жиноят ва фуқаролар ишлари бўйича судларда 175 иш жараёни кузатилди.

Мамлакатимиз парламенти икки палатадан иборат бўлиши инobatга олинди. «Икки палатали парламент тизимида Омбудсман институти фаолияти» концепцияси ва тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

БИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ !



Феруза Вахидовна МАДАМИНОВА.

1963 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. 244-мактаб директори вазифасида ишлайди. Номзоди 34-Авиасозлар сайлов округи ҳудудидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатилган.

— Мактаб билим маскани, нурхона, зийхона деб бежиз айтмайди халқимиз. Бу йил устозларимиз учун муваффақиятли келди, — дейди Феруза Мадаминова. — Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», — деган фикрларининг мазмун-моҳияти ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбек фарзанди юрт кезиб билим ва истеъдодини ошироқда. Келажаги порлоқ ёшларимизга кўп йўллар очкидир. Бу йилги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2004-2009 йилларга мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дасури ўз вақтида чиқарилди. Ёш авлодни сийёси жиҳатдан етук, маънавий баркамол қилиб тарбиялаш биз, педагоглар маҳоратига боғлиқдир. Ислох талаблари остида ўз дасурига қуйидагиларни киритдим:

1. «Оила, маҳалла ва мактаб» концепциясини чуқурроқ таҳлил этиш. Халқимизда «Бир болага етти кўшни ота-она» дейишди. Маҳалла бу катта куч, энг ифбатли келинчакни ҳам, энг яхши оқила қизни ҳам, яхши ва виждони пок

ўғлонни ҳам маҳалла тарбиялайди. Қари билганни эса пари билмайди, деган ҳикмат замирида ҳам чуқур маъно мужжасам. Фарзандларимизнинг тўғри йўл танлашида оила, қолаверса маҳалланинг ўрни алоҳидадир. Ноқобил оиланинг фарзандини ўз вақтида тўғри йўлга солиш, жамиятга керакли инсонни тарбиялаш яна бир бор оила, маҳалла ва мактабга боғлиқдир.


2. Фарзандларимизга чуқурроқ билим бериш, синф хоналарини замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозлаш ва жаҳон андозалари даражасига етказиш, ягона дарслик тизимини жорий этиш, ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, малакали ўқитувчиларни тайёрлаш, ўқувчиларнинг бўш вақтидан умумий фойдаланиш.

3. Ўқувчиларни мактабдан ташқари ўқув марказларига жалб этиш.

4. Фахрий устозларни оталиққа олиш.

5. Ёшларни касбга йўллаш, бунда академик лицей ва касб-хўнаур коллежларининг ишларини кенг тарғиб қилиш, йил давомида битирувчи ўқувчилар билан синф раҳбарлари ва ота-оналар ёрдамида айнан шу даргоҳларга саёхатлар уюштириш.

Дасури амалга оширишда менга билдирилган ишончн оқлашга ҳаракат қиламан.



Холходжа Мукаррамович УМАРОВ.

1955 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1975-2003 йиллар давомида Тошбошқурилиш тизимида ишлаган.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан кўп йиллик фидокорона меҳнати, пойтахтда ижтимоий аҳамиятга эга бир қатор замонавий бинолар қад ростлашида фаол иштироки учун Холходжа Умаровга Ўзбекистон Қахрамони унвони берилган.

2003 йилнинг апрель ойидан Х.Умаров Сергели туманидаги «Ёшлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шу ҳудуддаги 27-Дўстлик округи қамровидаги ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан Холходжа Умаровнинг номзоди Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган.

Ўзининг сайловли дасурида номзод асосий эътиборни авваламбор инсон манфаатлари таъминлинишига қаратган. Жумладан:

1. Аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, кам таъминланганларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан ажратиладиган нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдам турларининг миқдорини оширишга эришиш ҳамда бу борада аниқ режалар ишлаб чиқиш.

2. Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, халқимиз келажаги бўлган ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, ақли, чуқур тафаккурли, етук қилиб тарбиялаш мақсадида уларга берилаётган ижтимоий кўмакни ошириш, бунда ур ёшга бўлган болаларга имтиёзли дори-дармон бериш, кам таъминланган оналар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг ҳолидан хабар олиш ва уларга ёрдам кўрсатишни изчил йўлга қўйиш ҳамда болалар нафасини олиш борасидаги ҳужжатларни

янада соддалаштириш.

3. Олий ва ўрта-махсус ўқув юртлири ҳамда мактабгача тарбия муассасалари учун замонавий бинолар қуриш, уларни замонага яраша тўлиқ жиҳозлаш.

4. «Устоз — отангдек улуг» мақолидан келиб чиқиб, болаларга тарбия, билим берувчи, уларда янгича дунёқарашни шакллантирувчи ўқитувчи-мураббийларни кучли ижтимоий Ҳимоялаш давлат сиёсати қатъий амал қилиш.

5. Ёшларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш ва баъзи ёшларнинг тарбияси билан жиддий шугулланишга алоҳида эътибор қаратиш. Бу борада маҳалла оқсоқоллари, уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, ҳудуд нозирлари, посбонлар, ўқитувчилар, ота-оналар ва маҳалла фаоллари ишини янада жонлантириш.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш борасида ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарорларни амалда татбиқ этиш мақсадида тадбиркорларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини назорат қилувчи ва текширувчи ташкилотларнинг ноқонуний текширув ва аралашувига чек қўйиш ҳамда маҳалладан чиқаётган тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш.



Рихисвай Кучкарович КАРИМОВ.

1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1974 йилда Тошкент Давлат техника университетини (илгариги Тошкент политехника институти) тамомлаган. 1974-98 йилларда Ўсимлик моддалари кимёсини институтида катта лаборант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим бўлиб ишлаган. Кейинги етти йил давомида мазкур институтининг синтетик препаратлар технологияси лабораториясини бошқариб келмоқда. Техника фанлари номзоди.

Меҳнат ва илмий фаолият билан машғул бўлган ҳолда, шунингдек, Рихисвай Каримов маҳалла ҳаётини ривожлантиришга ҳам фаол ҳисса қўшмоқда. 1997 йилдан бунён у Лутфий номидаги маҳаллага оқсоқоллик қилмоқда. Р.Каримовнинг байрамлар, кундалик ҳаётдаги фаоллиги, ташаббускорлиги қадрдон маҳалласи ташқарисида ҳам яхши маълум. Шу боисдан ҳам гап халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ўз вақилини сайлаш тўғрисида борганда, «2-Чарх-Камолон», «3-Чарх-Камолон», «1-Катортол», «8-мавзе», Ҳамза номидаги маҳаллалар аҳолиси Қатортол округи бўйича Рихисвай Каримов номзодини кўллаб-қувватлади.

— Мустақилликка эришганимиздан бунён маҳаллаларга кенг эркинлик ва имкониятлар берилганини ҳис этдик, — дейди Рихисвай Каримов. — Маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариши билан бирга ўз-ўзини таъминлашга ҳам шарт-шароитлар яратилди. Агар мен депутат бўлиб сайлансам, аҳолини ижтимоий Ҳимоялаш борасидаги мавжуд қонунларнинг жойларда тўлиқ ишлашига катта эътибор қаратган бўлардим. Масалан, коммунал тўловлар тўлаш бўйича маҳалла билан ҳам-

корликда ишлашни ифодаловчи Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорининг маҳаллаларда амалга ошишида фаоллик қиламан.

Шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ишларини такомиллаштириш лозим. Аҳоли ва ширкат ўртасида икки тарафли ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган шартномалар асосида йиллик, ойлик иш режаларини келишган ва умумий мажлисларда ҳисобот берган ҳолда амалга ошириш мақсада мувофиқ. Маҳалла ҳудудидаги бўш ерларни расмийлаштирган ҳолда маҳалла мулки сифатида кичик қорхоналар, маиший сифатда кўрсатиш шохобчаларини кўпайтириш, қўшимча иш жойлари ташкил қилишга эътибор қўйиштирилиши талаб этилади.

Ўзбекистон илм-фанини ривожлантириш, илмий кадрлар тайёрлаш учун институтиларда ўқув марказлари ташкил қилиб, илм-фанга интилан ёшларни талабалик йилларидан бошлаб фаннинг турли соҳаларида изланишлар олиб боришларига, номзодлик ва докторлик диссертацияларини Ҳимоя қилишларига имкониятлар яратишга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.



Садриддин Махаматдинович ТУРАБДЖАНОВ.

1965 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1985 йилда Тошкент Давлат техника университети (илгариги Тошкент политехника институти) кимё-технология факультетини аъло баҳолар билан тугатган. Меҳнат фаолиятини университетнинг органик кимёси кафедрасида ассистент сифатида бошлаган. 1996-2001 йилларда Тошкент Давлат техника университетининг ўқув-услубий ишлари бўйича проректори лавозимида ишлади. Ўтган вақт ичида номзодлик ҳамда докторлик диссертацияларини Ҳимоя қилди, профессор илмий унвонига эга.

2003 йилда Садриддин Махаматдинович Тошкент кимё-технология институти ректори этиб тайинланди ва шу кунга қадар ушбу лавозимда ишлаб келмоқда.

Профессор С.Турабджанов раҳбарлиги остида бир нечта фан номзодлари тайёрланган. Илмий изланишлари натижасида 10 га яқин ихтиро патентлари, 200 га яқин илмий мақолалари чоп этилган.

49-Жарарик сайлов округи бўйича ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган Садриддин Махаматдинович Турабджанов мамлакатимиз мустақил тараққиётининг барча йўналишларида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол қатнашиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал этишни депутатлиги ва инсонийлик бурчи деб билади:

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дасурини ҳаётга татбиқ этишда асосий эътиборни ёшларни замонавий билимларга эга бўлган, юқори малакали, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидойи ва маънавий баркамол инсон

сифатида камол топтириш тарбияси ва зифаларини ҳал этишга қаратиш, таълим тизимидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш йўлида янада куч-ғайрат билан меҳнат қилиш.

2. Иқтидорли мактаб ўқувчиларини Тошкент кимё-технология институти қошидаги лицейга ўқитиш ҳамда республика олий ўқув юртлирида таълим олаётган ёшларни маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш.

3. Мактаблар, академик лицейлар, касб-хўнаур коллежларига амалий ва ўқув-услубий кўмак кўрсатиш, ўқитувчиларнинг Тошкент кимё-технология институти ҳамда «Истеъдод» жағмармаси орқали ривожланган ҳорижий давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртлирида малакасини оширишга кўмаклашиш.

4. Янги иш жойларини ташкил этиш мақсадида аҳоли ташаббуси билан ташкил этиладиган кичик ва хусусий тадбиркорлик қорхоналарини ишга туширишга ва ривожлантиришга кўмаклашиш.

5. Мамлакатда тинчлик, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликини мустаҳкамлашга фаол ҳисса қўйиш.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

МАҚСАДИМИЗ — ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ҚУРИШ!

Алишер Юлбарсович Каримов 1962 йилда туғилган. Ўзбекистон Давлат мулк қўмитаси Тошкент шахар бошқармаси бошлиғи. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шахар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Миробод туманидаги 19-Фитрат сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.

ЎзЛиДеП — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг тарихи атиги бир йил билан ўчанди. Ушбу партиянинг мамлакатимиз сиёсий ҳаритасида пайдо бўлган давр талаби дея баҳоланмоқда. ЎзЛиДеП иқтисодиётнинг устувор йўналиши вакиллари — тадбиркорлар, ишбилармонлар ва бошқаларнинг ҳам манфаатини кўзлайди. Утган қисқа вақт ичида партия сиёсий тузилмалар таркибиде ўз ўрнига эга бўлишга эришса олдимиз, деган саволнинг туғилиши табиий. Аммо бу ҳақда, назаримизда, хулоса чиқаришга ҳали биров эрта бўлса керак. Шунга қарамай, бу партия ҳақида кўпчилик бохабарлиги ва уни қўллаб-қувватловчилар тобора ортиб бораётганига айни пайтда либерал-демократик партияга хос бир неча мезонлар мавжудлиги сабабидир. Улар нимадан иборат? Қолаверса, янги — бешинчи партиянинг юзга келишига нима асос бўлди? Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шахар Кенгаши раиси Алишер КАРИМОВ билан суҳбатимиз айнан шундан бошланди.

— Дарҳақиқат, бугунги кунда кўпчиликини ЎзЛиДеП қандай максатда тузилгани, унинг мамлакат сиёсий ҳаритасига қилиб келишига нималар сабаб бўлганлиги қизиқтиради.

Одамзод яратилишидан бошлаб неча минг йиллардан бери фаровон жамият қуриш муаммоларини ечиш хусусида изланади. Азалдан маълумки, ўзини-ўзи боқиб, яъни таъминлаш олишга қодиргина одам бой-бадавлат бўлади. Албатта, қанча кўп бой инсонлар бўлса, давлат ҳам шунча бой бўлади. Ҳар бир мамлакатнинг қудрати, порлоқ истикболи оилаларнинг тўқ ва фаровонлиги даражаси билан баҳоланади.

ЎзЛиДеПнинг ҳам асосий мақсади мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз тадбиркорлиги, ташаббускорлиги билан ўз оиласини ўзи боқиб, шарт-шароитлар яратиб беришдир. Биз бундай кишиларни ўрта синф вакиллари, яъни, мулкдорлар қатлами деб атаймиз. Яъни, улар мулк эгалари, шу жумладан бизнес вакиллари, тадбиркорлар, фермерлардир. Биз эса шу қатлам вакилларига таянган ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган сиёсий кучимиз.

Бугун Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси либераллик ғояси тарғиботчиси сифатида сиёсий майдонга чиқди. Либерализм шахсга ҳар томонлама эркинлик бериш, шу тариқа унинг ички имкониятларини тўла рўёбга чиқариш учун қулай шароит яратиш тарафдоридир. Бу оқим пайдо бўлгандан буён қарийб беш асрлик давр ўтди. Бу ғоянинг бевоасита жаҳондаги либерал партиялар мафрасига айланганига эса юз эллик йиллар бўлди. Ҳозир ер юзидеги давлатларнинг 125 тасида либерализм тарафдори бўлган партиялар ҳокимият тепасида турибди.

Ўзбекистон ҳам XXI аср бўсағасида мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларини, жамият тараққиётининг бошқа жаҳаларини либераллаштиришга, яъни эркинлаштиришга қаратилган стратегия йўлини белгилаб олди. Демак, ўз-ўзидан аёнки, партиямиз республикада амалга оширилаётган ислохотлар маҳсули сифатида майдонга келди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб маъноси Ўзбекистонда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат. Чунки тараққий этган давлатлар тажрибаси ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ҳамда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик биринчи навбатда айнан мулкдорлар синфига боғлиқ эканигидан даволат беради. Қолаверса, ушбу синфнинг ўзи ҳам жамиятда тинчлик-хотиржамлик ва ижтимоий барқарорлик ҳукм суришидан бевоасита манфаатдордир.

— Шу билан бирга ЎзЛиДеП фақат тадбиркорлар ва ишбилармонлар партияси эмас... Партиянинг сифат тарихи қандай?

— Бугунги кунда Тошкент шахрининг барча туманларида либерал-демократик партиянинг туман кенгашилари тузилиб, улар ўз фаолиятини самарали ва барқарор юритиши учун ҳамма қулайликлар мавжуд. Утган вақт ичида шахар ва туман кенгашиларининг асосий иши партиянинг мақсад ва вазифаларини жойларда — маҳалла ва меҳнат жамоаларида кенг тарғиб қилишга, партия сафини ўзига ҳамфурқ бўла оладиган инсонлар билан кенгайтиришга қаратилганини таъкидлаш лозим. Фаолиятга баҳо беришда рақамлар, албатта, муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Кейинги пайтда шахар кенгаши томонидан юз мингдан зиёд киши широк эртан бир мингга яқин учрашувлар ташкил этилди. Натيجаси эса, назаримизда, қутилганидан аъло бўлди. Бир йил ичида 20 мингдан ортиқроқ аъзоларни қамраб олган 838 та бошланғич ташкилотлар тузишга эришилди. Сифат кўрсаткичларига келадиган бўлсак, партия аъзоларининг асосий қисми — 60 фоиздан кўпини ишлаб чиқариш, савдо, транспорт соҳаларида банд бўлган тадбиркорлик субъектлари вакиллари ташкил этади. 30 фоизини таълим, фан, маданият, спорт, умумлаштириб айтганда, ижод аҳли десак адашмаган бўламиз. Зеро, улар айнан ижтимоий масалаларнинг ҳақиқатдаги муҳим бўлиши — иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашишидан манфаатдордир. Аъзоларнинг учдан бир қисми 30 ёшга чилган йилит ва қизлардан иборат бўлмоқда.

— Ёшлар хусусида тўхталингиз. Айтингчи, билим ва илмга чанқок, интилишларини улкан, лекин ўз имкониятларини тўлиқ намоён эта олмаётган ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида партиянинг режалари қандай?

— Партия ўзининг асосий мақсади деб иқтисодиётнинг барча тузилмаларига иқтидорли, интилувчан, яъни келажак порлоқ, салоҳиятли, аммо турли сабабларга кўра ўз имкониятларини намоён этишга улгурмаган ёшларни жалб

этишни ҳисоблайди. Бу борада кўп ҳаракатлар қилинмоқда. Жумладан, энг яхши бизнес-лойиҳа учун танлов эълон қилинган ва унда бугунга келиб нафақат халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган ёшлар, балки ўрта-маҳсус ва олий ўқув юрталари талабалари ҳам фаол широк эртмоқда. Танловга тўртта номинатсия — мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш бўйича энг яхши лойиҳа, энг яхши маркетинг тадқиқотлари, бизнес соҳасидаги энг яхши илмий изланишлар ҳамда энг яхши маҳсулотлар, хизматлар ва технологиялар бўйича лойиҳалар қўйилган.

Келгуси йил бошида танловга яқун ясалди ва голиблар

ЎзЛиДеП: ДАВР ТАЛАБИ



**Алишер
КАРИМОВ,
Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси
Тошкент шахар
Кенгаши раиси**

фақат пул муқофотлариға сазовор бўлибгина қолмайди. Турли соҳа экспертларидан таркиб топган хайбат томонидан тақдим этилган лойиҳалар орасидан бугунги кунда қўллашга энг мақбул бўлганлари ташкилотчилар ҳисобидан амалиётга татбиқ этилиши ҳам кўзда тутилган. Ташкилотчилар орасида эса ЎзЛиДеПнинг Тошкент шахар кенгашидан ташқари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Марказий банкнинг Тошкент шахар бошқармаси, шахар савдо-саннат палатаси, бизнесга оид бир қатор тузилмалар ҳам бор.

— Баъзи юртдошларимизнинг янги партия фақат мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилса, моддий имконияти чекланганларни қим ҳимоя қиладди, деган фикрига қандай изох берасиз?

— ЎзЛиДеП бундай кишиларни мулкдор қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли сонини қамайтириш тарафдори, яъни биз мулкдорлар қатламини кенгайтириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб орқали халқ фаровонлигига эришишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз. Чунки аминимизки, халқ фаровонлигини ошириш учун авваламбор иқтисодий негиз бўлиши лозим. Бу иқтисодий негизни эса ҳозирги кунда тадбиркорлар ва ишбилармонлар яратиши мумкин.

Бизнинг мақсадимиз фуқароларимизда тадбиркорлик кўнжмаларини ҳосил қилиш, керак бўлса, тадбиркорликка, ишбилармонликка ижобий муносабатни шакллантириш, уларда ижтимоий ва сиёсий фаолиқни ошириш, жамиятда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бдорлиги, ҳар бир шахснинг қадр-қимматга эга эканигини англашти, зарурият туғилганда улар таяниши мумкин бўлган сиёсий кўч мавжудлигини намоён этишдан иборатдир. Бизнинг бошқа сиёсий партиялардан фарқимиз ҳам шундидир (gap пировад мақсадиимизга эришиш борасида танланган йўлларимиз ҳақида бормоқда, албатта).

Бу фикрга ургу беришимиз бежиз эмас. Чунки таъминсиз ювлар, баландаровоз ваъдалар билан белгиланган мақсадларга эриша олмастик тўғрисида яқин тарихимиздан ҳар қанча мисол келтиришимиз мумкин. Давлатдан ҳамма нарсага талаб қилавериш боқимандалиқдан бошқа нарса эмас. Чунки халқимизда бир мақол бор: «Қўлдан берганга қўш тўйма». Биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаётганлигимизни унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаро мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, эркинлаштириш жараёнларининг фаол иштирокчисига айланиши, фақат шу йўл билангина мавжуд муаммоларини ениб ўтиш мумкинлигини, акс ҳолда қимдангир нарҳат қутиш орқали бирон-бир мақсадга эришиб бўлмаслигини тушуниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг партия жамиятда тадбиркорликни, ташаббускорликни рағбатлантириш орқалигина муаммоларни ҳал этиш

мумкин деб ҳисоблайди, яъни мамлакатда ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни янада ривожлантириш, мулкдорлар қатламини шакллантириш орқали мавжуд муаммоларга ечим топиш лозим бўлади.

Аммо бу партия фақат иқтисодий масалаларга эътиборни қаратади дегани эмас. Биз ўзимизнинг сайловолди дастуримизда ижтимоий масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратганмиз. Шу билан бирга, тан олиш керакки, ҳар нарсанинг тағида авваламбор иқтисодиёт ётади. Шу ўринда ўзимизга ҳар савол бериб қўрайлик: агар давлат иқтисодий ночор бўлса, у қандай қилиб қучли ижтимоий сиёсатни юритиши мумкин?

Агар тадбиркорлик ривожланса, ишлаб чиқариш суръатлари ўсиб бораверса, аҳоли иш билан таъминланади, ўз-ўзидан халқнинг фаровонлиги ортади. Бу ўз навбатида соликлар тушумига ва давлат бюджетининг тўлдирилишига олиб келади. Ана шу тушувлар ижтимоий масалаларни ечишга қаратилади. Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётни ривожлантирмай туриб, ижтимоий масалаларни ҳал этиб бўлмайди.

Шунинг учун биз республикамизнинг ҳар бир ҳудудида алоҳида «Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг ички имкониятлари» дастурларини ишлаб чиқдик. Уларда аҳолининг ижтимоий фаровонлиги ўсишига олиб келадиган аниқ тақдирлар қайд этилган. Шунингдек, 50 дан зиёд амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ва уларнинг ҳам сайлов натижаларининг қандай бўлишидан қатъи назар амалга татбиқ этилиши давом этаверади.

— Сиз учун сайлов нима?

— Сайлов — бу кураш ва унда жамиятга зарур бўлган, унинг тараққиёт суръатини жадаллаштирадиган, аҳоли орзу-интилишларини ўзига муҳассам этган ғояларни илғари сурадиган ва ҳаётга татбиқ эта оладиган, амалий ишлари билан халқнинг ҳурматини ва ишонқини қозонган сиёсий партиягина галаба қозонади. Демак, бўлажак сайловлар ҳар биримиз учун жиддий синовдир.

— ЎзЛиДеПнинг сиёсий майдонда пайдо бўлиши давр талабидир. Агарда партия бўлгуси сайловлар натижасида тегишли мавқега эга бўла олма, у қонун чиқарувчи ҳокимият кўч тартибига довлар масалаларини қўяди ва шу таразда кўпчилик эътироф этган ҳолда уларни ижобий ҳал этиш имкониятини қўлга киритади, шундай эмасми? Айни пайтда тадбиркорлар кўпроқ қандай масалаларга ургу бераётганини тавсифлаб бера оласизми?

— Кейинги пайтда биз тадбиркорлар орасида кўп ўқув семинарларини ўтказдик. Айнан шу тадбирларда энг долзарб бўлиб қолаётган муаммоларни аниқлашга имконият яратилди. Жумладан, тадбиркорлар таъкиди

билан айтганда, товар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиққа тортиш жараёнини мувофиқлаштириш, уларга иш жойларини кенгайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришида янада кенг-роқ имтиёзлар қўзда тутилиши лозим. Ишбилармонларни кўпроқ маҳаллий инвесторларга ҳорийқ сармоядорлар қаторида бирдай ҳуқуқ бериш масаласи қийнади. Шунингдек, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар «тили» соддалаштирилиши, улар фақат мутахассисларга эмас, балки барнага тушунарли бўлишига эришиш керак деган тақдирлар ҳам билдирилмоқда.

— Демак, бу партиянинг асосий мақсади экан-да?

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг муҳим вазифаларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг жойлардаги вакиллик органлариға қўлпартиявийлик тамойилига асосланган демократик сайловларда сиёсий платформасида акс эттирилган асосий йўналишларни амалга ошириш имкониятини яратган қонунлар ва ҳукумат қарорларини қабул қилишда етарли таъсирга эга бўладиган ўринларни қўлга киритишдир.

Аммо ҳокимиятнинг вакиллик органларида кўпчиликка эга бўлиш Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг шунчаки асосий мақсади эмас, балки амалий устувор йўналишлари, дастури ҳамда, юқорида айтиб ўтилганидек, сиёсий платформасида акс эттирилган стратегик ва тактик мақсадларига эришиш воситасидир.

Биз фаровон, ҳуқуқий-демократик, миллий қадриятларга таянган, бозор иқтисодиёти ривожланган давлат қуришда етакчи қуч вазифасини баҳаришни ўз зиммасига олганмиз. Шунинг учун ҳам халқимизнинг ишонқини оқлаган ҳолда ғоямизни халқ орасида тарғиб этиб, уларнинг ўзимизни ортимиздан эъғатиришимиз лозим. Шундангина партиямиз дастурида қўйган мақсад ва вазифаларимизга эриша оламиз. Бирор бир партияға ёки бошқа ташкилот халқнинг ёрдамисиз ўз олдига қўйган мақсадларига эриша олмайдди. Чунки халқ — бунёдкор қучдир. Бизнинг ана шу эзгу мақсадларимизни қўллаб-қувватлайсиз деган умиддамиз.

Шарқ дурдоналари



● Халқнинг муҳаббатини молу-дунейнғиз билан эмас, балки одоб, тарбиянғиз, ҳушмуомаланғиз билан ўзинғизга жалб эта оласиз.

● Биров сизга ишончи бирор нарсани омонат қўйса, унинг молига ҳиёнат қилманг.

● Бошқалар ёнида бировга айбларини айтиб насихат қилиш — уни ўзгалар олдида уялтириш демакдир. Шунинг учун холи жойда насихат қилиш керак.

Байт:

Бу пандимни эшит,
Фарзанд содик,

Билиб иш қил
насихатқа мувофиқ.

Сенга ким ишониб,
топтириб қўйса омонат,

Эсанг доно унга
қилма ҳиёнат.

ХИКОЯТ. Донишмандлардан бири ўғлини тикиштириб овқат ейишини тақиллади. Ўғли айтди:

— Эй отажон, очлик одамни ўлдирди, тўқ бўлиб ўлиш очлик холда яшашдан яхшироқ эмасми?

Отаси айтди:

— Эй ўғлим, ўртача овқат ейишга одат қил, тикиштириб овқат ейиш беш қўлни оғизга тиккан очкўздан фарқ қилмайди. Очкўз кишини эса ҳар қадамда ҳалокат кутади. Е-ич, аммо исроф қилма, шу насихатга амал қилсанг, умринг узун бўлади.

● Фарзандлар ота-онага итоат этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг ризиғингизга ўтказмасликлари лозимдир. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она қайфиятини розилик белгиси билан хандон қилади, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшилиқнинг дебوحаси деб билади. Намош эшигининг калити ва саодат гулзорининг насими ота-она тўфайли ҳосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан муддао шулки, улар имкони борича ота-она хизматини қилсинлар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалик келтирмасинларки, уят ва шармандалик ота-онанинг фарзандга бўлган меҳру муҳаббат оинасини губорлаштирилади. Бундай ёмон фарзанддан бегоналарни яхшироқ деб ҳисоблайдилар.

● ХИКОЯТ. Сўзлари адаб гавҳарининг тожи, ўзи араб ҳақимларининг устози бўлган Собит ибн Қуррадан қуйидаги ҳикматларни нақл қилдилар: «Жисм роҳати овқатнинг озида, руҳ роҳати кам ейишда, тил роҳати оғзапирришда!» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтирмақ зийнга йўл қўймоқ ва маломатга қолмоқдир.

Агар кўрсангки

йўлда чоҳдир,
Агар хомуш ўтирсанг
зўр гуноҳдир!

Байт:

Агарчи жим ўтирмақ
хирадманд наздида хушдир,

Валекин маслаҳат пайтида
хуш бўлғай фикр айтмоқ.

Билиб қўй, икки пайтда жим
ўтирмақ бефохликдир.

Керак пайтида сўз айтмай,
нокерак пайтида дам урмак!

Ҳақиқатан ҳам «фалокат оёқ остида». Албатта, бугун суднинг қора курсида ўтирган, қилган эътиборсизлиги оқибатида бир беғуноҳ инсоннинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишига сабабчи бўлган Ҳожиакбар Муҳамедов ҳам айна шу ҳикматнинг маъно-мазмуни ҳақида тушунчага эга деб ўйлаймиз.

Хуллас, воқеа бундай бўлди.

Ҳожиакбар эсини таниганидан бошлаб, оилага тиргак, ота-онасига кўмакчи бўлишни мақсад қилиб қўйди. «Бўлармоннинг боласи ўн бешида бош бўлар...» дейди кексалар. Аммо... Аммо, муддао шуки, унинг биргина ноҳўя хатти-ҳаракати ана шу хайрли ишга қўл урган инсонни қора курсига бошлаб келди. Ҳожиакбар бошқарувидаги «Дамас» русумли, 10 Q 13-35 давлат рақамли автоулов, Сергели тумани Канора кўчасидан ўтган асфальт йўлда ҳаракатланиб бораётган, хизмат бурчини бажариш учун

Оила — булоқларнинг боши ва инсон учун шуҳбасиз биринчи ватандир. Ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳислатлари асосан оилада шаклланади. Албатта, келажакимиз ворислари — фарзандларимизнинг маънан етуқ инсон бўлиб вояга етишларида оиланинг устунлари бўлиши ота-онанинг тугган ўрни беҳиб. Хусусан, онанинг жамият таррақийтидаги ролини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Шу боис ҳам кейинги йилларда ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар иштирокида турли хил тадбирлар, маънавият кечалари ўтказилаётганлиги қувонарли ҳол.

Тадбирлар

МАРОҚЛИ ЎТГАН УЧРАШУВ

Юнусобод туманида жойлашган Фуломмахмуд Абдуллаев номидаги 271-мактабда тез-тез шoirлар билан ўқувчилар ўртача ижодий учрашувлар уюштириш аънанага айланган. Дарвоқе, 982 нафар ўқувчини ўз бағрига синади олган мазкур илм масканида 59 нафар педагог фаолият олиб бормоқда. Шу ўринда мазкур зиё масканида таълим-тарбия ишларининг муваффақиятли йўлга қўйилганлигида мактаб директори Муаттар Вакилова-нинг жонкуярлигини таъкидлаб ўтмасак инсофдан бўлмас.

Куни кеча мактабда бўлиб ўтган «Вояга етмаган қизларни ҳаётга тайёрлашда ота-оналарнинг роли» мавзусидаги тадбирни уюштиришга ҳам шахсан Муаттар Вакилова бош-қош бўлди. Қувонарли томони, тадбир доирасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, та-

ниқли шоира Турсуной Со-диқова билан ижодий учрашув уюштирилди.

Аёлларнинг жамият ҳаётида тугган ўрни, мактаб ёшидаги қизларни ҳаётга тайёрлашнинг муҳим омилларига бағишлаб уюштирилган ушбу тадбирда Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ходимлари, мактаб ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари билан бирга «Шодлик» маҳалласидан тақлиф этилган энг фаол аёллар, туман халқ таълими бўлими вакиллари ҳам иштирок этишди.

Қизлар тарбиясининг долзарб муаммолари, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамият ишларидаги фаол иштирокини таъминлаш чоралари хусусида Турсуной Содиқова, Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи директор ўринбосари Назира Жўраева, журналист Хикоят Махмудова, «Шод-

лик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Мираҳмад Муҳамедов, туман халқ таълими бўлими услубчиси Муаззам Фуломовалар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди. Дарвоқе, тадбир давомида жорий йилда Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган Турсуной Содиқова қаламига мансуб «Оила тилсими» китобининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Ширали тил ва бадий маҳорат билан оила тиргаги бўлиши эр ва аёлнинг руҳий олами таҳлилига бағишланган «Оила тилсими» китобининг ёзилиш жараёни ҳақидаги муаллиф фикрлари барча қатнашчиларни қизиқтириб қўйгани табиий.

Ўзаро савол-жавоб, баҳс-мунозара тарзида ташкил этилган ушбу тадбир барчага манзур бўлди.

Акбар Йўлдошев

Анжуманлар

ИШЧАНЛИК РУҲИДА

Куни кеча Ўзбекистон Миллий университетида университет талабалар касабаси уюшмаси кўмитасининг I-ҳисобот сайлов-анжумани бўлиб ўтди.

Университет ўқитувчилари ва талабалари иштирок этган ушбу анжуман талабалар касабаси уюшмаси кўмитасининг 2002 йил сентябрь ойидан 2004 йил ноябрь ойигача бўлган фаолияти ҳисоботига бағишланди. Ҳисоботларни университет талабалар касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси Ш.Жўраева ва кўмита тафтиш комиссиясининг раиси А.Аллаевлар ўқи

эшиттирди.

Анжуман нихоясида иштирокчилар талабалар касабаси уюшмаси кўмитасининг ва кўмита тафтиш комиссиясининг янги таркиби ҳамда Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмасининг ҳисобот-сайлов анжуманига вакилларни сайладилар.

Нигора Тўхтаметова

Муббёён
ПАТЕНТГА
САЗОВОР
ТАДҚИҚОТ

Лазер техникаси ва технологиясининг ривожланиши кўз микрожарроҳлиги имкониятларини янада кенгайтириш учун кенг йўл очиб берди. Буни Тошкент кўз касалликлари клиник шифохонаси Лазер бўлими иш тажрибаси ҳам тўла исботлаб турибди. Чиндан ҳам бу шифобахш даргоҳда лазер техникаси асосида олиб борилаётган илмий ва амалий изланишлар кутилган натижаларни бермоқда.

Мазкур шифохона Лазер бўлимининг бир гуруҳ истеъодли шифокорлари кузатиши кўзининг анатомик хусусиятларини ҳисобга олувчи рангдор пардада кичкина тешиқ очишининг аънаваний услубиятининг ўзгартирилган турини яратиш зарур деган хулосага олиб келди.

Бунда Лазер бўлими билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораторияси ҳамкорлиги қўл келди. Патент олишга яссар бўлган жаҳон аҳамиятига молик ана шу тадқиқот бўйича кўз ички тузилиши оптик параметрларини ўлчаш учун мослама тақлиф қилинди.

Акбар АЛИЕВ

қетаётган, Сергели тумани ИИБ Қўриқлаш бўлими милиционерни Хайрулла Жакбаровни уриб кетади.

оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмаётган, бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолаётганлар бизга бегона эмас... Улар

Ҳукм қилди

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Ота-боболаримиз ақлу закосининг шундай беназир ҳикматлари борки, улардаги ҳаёт ҳақиқати, бир умрга ибрат бўлгулик ибратлар залвори бизни ҳаммага сергакликка, огоҳликка чорлайди.

Натижада қаттиқ жароҳатланган ички хизмат ходими Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат шойлинич тез тиббий ёрдам илмий марказига «ёпиқ мия чайқалиши, мия жароҳатланиши, жароҳатдан кейинги ҳушсиз ҳолат ва ички қон қуйилиши» ташҳиси билан ётқизилади.

Шаҳримиз кўчаларида содир бўлиб турадиган бундай нохуш аҳволлар киши таъбини хира қилиши табиий. Негаки, йўл транспорт ҳодисаси

бизнинг қадрдон дўстларимиз, қон-қариндошларимиз...

Хўш, шундай экан, Муҳамедов билан боғлиқ жиноят қандай содир бўлди?

Содир этилган жиноят иши бўйича ўтказилган суд автотехник экспертизасининг хулосасига кўра, мазкур Муҳамедов бошқарувидаги «Дамас» русумли 10 Q 13-35 давлат рақамли автоулов иш ҳаракати қондасининг 22.2 банди талабларини қўпол равишда бузган.

Энди жабрланувчи ҳақида. Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили сифатида қатнашган Ф.Жактеров, мажлис ҳайъати аъзолари ва иштирокчиларга акиси Х.Жакбаровнинг аҳволи ҳозирда анча ёмонлигини, қорин соҳасидаги операция жароҳати ҳали битмаганлигини айтиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни судланувчи Х.Муҳамедов зиммасига юклашни таъкидлади.

Қилинган ҳар бир хато учун муқаррар ҳарча бор. Одил судлов ҳеч нарсани очик қолдирмайди. Шу маънода судланувчи Х.Муҳамедовнинг иши кўриб чиқилди ва қонун талаблари доирасида ҳукм ўқилди. Унга кўра судланувчи 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилиб, ойлик маошининг 30 фоизи давлат фойдасига ундирилдиган бўлди.

Б.АКРОМОВ,
Сергели тумани прокурори ёрдамчиси.
Х.ПАНЖИЕВ,
журналист.

Шарҳовчи

тинбари

ЭРОН МАСАЛАСИ МУҲОКАМАДА

Эроннинг ядровий энергетика дастури билан боғлиқ можаро юзасидан яқинда Франция, Германия, Буюк Британия («катта учлик») ҳамда Эрон вакилларининг учрашуви ўтказилган. Унда Эрон томони урани бойитиш ишларини вақтинчалик тўхтатишга розилик билдирган эди.

Куни кеча бу масала Атом энергетикаси бўйича халқаро агентликнинг Вена шаҳрида ўтказилган анжуманида яна муҳокама этилди. Агентлик мутахассисларининг ушбу масалага бағишланган янги ҳисоботи тингланди. МАГАТЭ бош котиби Муҳаммад ал-Бародий, Эрон урани бойитиш борасидаги барча ҳаракатларни тўхтатганини, фақат илмий-тадқиқот ишлари учун рухсат сўраётганини маълум қилди.

«Катта учлик» томонидан МАГАТЭ бошқарув кенгашига тақдим этилган резолюция можарони ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Лекин, ундаги баъзи бандлар баҳсли бўлиб турибди. Хусусан, Эроннинг ядровий иншоотларига чекловларсиз кириш имконияти ва урани бойитиш дастурининг узоқ муддатга тўхтатиб қўйилишига оид масалалар ушбу мамлакат вакилларининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Европалик айрим дипломатлар бу уринишларни урани бойитиш ускуналарини сақлаб қолиш, дея баҳолади.

АҚШ вакиллари ҳам Техроннинг ядровий дастури тинчлик мақсадларига хизмат қилишига шубҳа билан қараяпти. Шунингдек, резолюция матнига «Эроннинг ўз мажбуриятларини бажаришдаги ҳар қандай хатоси ушбу масалани тўғридан-тўғри Хавфсизлик кенгашига тақдим этиш учун асос бўлади», — деган мазмундаги махсус бандни киритишга ҳаракат қилаяпти. Франция ва Германия эса бунга қаршилик билдирмоқда.

Фарҳод УСМОНОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Болалар адабиёти бурғачи МЕНИНГ БОБОМ БОҒБОН

Менинг бобом боғбон,
Номи тилларда дoston.
Қомати бор чинордай,
Чинор нима, минордай.
Соқоли — кумуш чўққи,
Бошида Кўқон дўппи.
Эғнида оппоқ ятак,
Кўзлари ўйчан, зийрак.
Хар бир ниҳол фарзанди,
Жон қадар аржуманди.
Парваришлар болам деб,
Боғда ўсган лолам деб,
Юрар ишқом оралаб,
Ток сочин аста тараб...
Гоҳо газал ўқийди,
Ўзи шеър ҳам тўқийди.
Улар жуда маънодор,
Хар сўзида хикмат бор:
«Одам меҳнат-ла гўзал,
Шуни унутма, Афзал.
Бол ардан ол ибрат,
Қилмай хузур-ҳаловат
Кўниб гулга, чечакка,

Хатто чирмов, печакка,
Асал йиғар бизларга,
Жажжи ўғил-қизларга».
Дeб тугатар сўзларин
Силаб туриб юзларим...

Бордир эски дутори,
Лекин жарандор тори.
Баъзан чалиб дуторин,
Чиқаради хуморин.
Куйлари хўп дилрабо,
Гўёки оханрабо
Ўзига тортиб кетар,
Кувончинг ортиб кетар.

Бобомнинг боғи гўзал,
Мевалари қанд-асал.
Қани юринг ўртоқлар,
Кузда тўқиндир боғлар.
Бир сайри боғ этайлик,
Дилларни чоғ этайлик...
Мана, қорақўз чарос,
Чумчуқ чўқипти бироз.

Майли кушлар ҳам есин,
Бобомга раҳмат десин.
Ана ойсимон анжир,
Хар бири олтин патир...
Истаганча еб, тўйинг,
Тортинчоқликни қўйинг!
Сават-сават олинлар,
Хоҳлаганлар қолинглар.
Бобомга бериб ёрдам,
Ундан ўрганиб кам-кам.
Биз ҳам бўлайлик

боғбон,
Йўқ дема дўстим
Жавлон...

Кишишдан ол Гулсара!
Ох-оҳ! Мазасин қара.
Кишиш-чаросининг қизи,
Шунингчун қора кўзи,
Ундан еб турсанг оз-оз,
Айтгандай Сино устоз:
Конинг жўшиб кетади,
Кучинг ошиб кетади.
Қара жоноқи олма-
Биздан уялиб кетди,
Юзи қизариб кетди,
Кўй уни ҳозир олма.
Озгина совуқ есин,
«Энди ол мени» десин.
Қарсиллатиб шунда е,
Бир кун эмас, кунда е.
Хилчабелдир Хусайни,

Авайлаб узгил уни.
Хоҳликмасдан секин е,
Сен меҳмонсан текин е.
Узум эмас, бол ейсан,
Боғбонга раҳмат дейсан.

Бобом пири бадавлат,
Набиралари қат-кат.
Ана сулув Зилола,
Сочи белда шалола,
У бобомга чевара,
Библи қўйгин Севара.
Бобом жуда очикқўл,
Сен ҳам шундай

сахий бўл.

Бoғбон бoбoмнинг oти,
Шoнгa тўлгaн хaёти.
Кeтгaн узоқ-узоққa,
Хитoй, Ямaн, Ироққa.
Дaрaгини билгaн эл,
Тошиб кeлaр гўё сeл.
Олим, бoғбoн миршкoр,
Сoхибкoру oмилкoр.
Кўриб бoбoм бoгини,
Тeнгини йўқ чoрбoгини,
Тaсанo aйтмoқдaлaр,
Олиб тaжрибa — тaълим,
Бoбoмгa этиб тaъзим,
Шoд бўлиб кeтмoқдaлaр.
Турoб AҚБАРХўЖAЕВ

Бугун — ОИТСга қарши кураш халқаро кўни

XXI АСР ВАБОСИ ДОМИДА — 40 МИЛЛИОН КИШИ

Бирлашган миллатлар ташкилотининг (БМТ) UNAIDS дастури ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) 1 декабрь — ортирилган иммунитет танқислиги (ОИТС) қарши кураш халқаро кўни муносабати билан мазкур муаммо бўйича дунё мамлакатларидаги аҳвол ҳақида ҳисобот эълон қилди.

«AIDS Epidemic Update 2004» деб номланган ушбу ҳужжатда қайд этилишича, айни вақтда ер юзида иммунитет танқислиги вирусига (HIV) дучор бўлганлар сони салкам 40 миллион кишини ташкил этади. Шундан 37 миллион нафардан ошган баалоғат ёшидагилар (19-49 ёш орасида), 2,2 миллиони эса 15 ёшгача бўлган болалардир.

Ҳисобот муаллифларининг фикрича, сўнгги йилларда HIV вирусига чалинаётганлар орасида аёлларнинг улуши сезиларли даражада ортган. Хусусан, бу кўрсаткич

сўнгги икки йил давомида Шарқий Осиёда 56 фоизга, Шарқий Европа ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) ҳудудида 48 фоизга ошган. Умумий ҳисобда, айни вақтда ер юзидаги салкам 18 миллион аёл мазкур вирусга чалинган.

БМТ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Шарқий Осиё мамлакатлари ичида сўнгги икки йилда мазкур хасталиқнинг кенг тарқалиши, айниқса, Хитой, Вьетнам ва Индонезияда яққол кузатилган. МДХ мамлакатлари ичида эса Россия ва Украинада ОИТС муаммоси жид-

дий аҳволда. Хусусан, ҳисоботда кўрсатилишича, Россияда айни вақтда 860 миң нафар киши иммунитет танқислиги вирусига чалинган ва бу рақам Европа мамлакатлари ичида энг катта кўрсаткичдир.

Қайд этиш керакки, ҳар йили 1 декабрь дунё мамлакатларида ОИТСга қарши кураш халқаро кўни сифатида нишонланади. Хусусан, Нью-Йоркдаги БМТ бош қароргоҳида, шунингдек, шаҳардаги бошқа қатор жойларда шу кўни ОИТС муаммоси ва уни бартараф этишга бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтади. Нью-Йоркдаги Авлиё Жон ибодатхонасида БМТ шаъфелигида ташкил этиладиган йирик тадбирда АҚШдаги таниқли жамоат ва сисёсат арбоблари, санъаткорлар, дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштирок этиши кўтуляпти. Хусусан, унда БМТ Бош котиби Кофи Аннан иштирок этиб, ОИТС муаммоси хусусида маъруза қилади.

Фарҳод АРЗИЕВ,
«Жаҳон» АА,
Нью-Йорк.

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Жорий йилнинг 4-8 декабрь кунлари «Ўзэкспомарказ»-да Эрон Ислom республикасининг саноати ютуқлари ҳамда замонавий технологияларига бағишланган иккинчи иктисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Эрон Ислom республикасининг Тошкентдаги элчихонасида матбуот анжумани ўтказилди.

Мазкур кўргазмани Эроннинг Семнон савдо бошқармаси ва мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда «Ўзэкспомарказ» ҳамкорлигида ташкил этмоқда. Матбуот анжуманида кўргазмада Эроннинг 100 дан ортиқ компаниялари иштирок этиши маълум қилинди.

— Ўтказилажак кўргазма икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, — деди Эрон Ислom республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатхали. — Кўргазмани ташкил этишдан мақсад икки давлат ўртасида учта соҳада янада самаралироқ ҳамкорликни йўлга қўйишдир. Хар иккала давлат ҳам ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятларга эга. Бизнинг ҳамкорлигимиз икки давлатнинг иқтисодийётига ижобий таъсир кўрсатади.

Элчи айниқса транспорт коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида эътибор қаратди. У Президентимизнинг Эронга қилган таширфида транспорт соҳасида уч томонлама (Эрон, Афғонистон, Ўзбекистон) ҳамкорлик қилиш борасида имзоланган ҳужжат хусусида тўхталиб ўтди. Мазкур имзоланган ҳужжат учала давлат учун

ҳам катта имкониятлар эшигини очди.

— Семнон савдо бошқармаси кўргазмалар ташкил этиш борасида катта тажрибага эга, — дея сўзида давом этди М. Фатхали. — Ўзбекистонда кўргазма ташкил этишдан аввал, биз мамлакатнинг ички ва ташқи бозорини чуқур ўрганган ҳолда, мавжуд бозордаги рақобатга дош бера оладиган технологиялар билан иштирок этишни режалаштирдик. Кўргазмада озиқ-овқат маҳсулотларини қадоклаш технологиялари, автомобиллари бутловчи қисмлар, дори-дармон ва тўқимачилик саноати соҳасидаги йирик компаниялар тақлиф этилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда 15 та Эрон компаниялари рўйхатдан ўтган бўлиб, 53 та қорхона Эрон инвесторлари иштирокида фaолият юртимокда. Шундан 40 таси қўшма қорхона ҳисобланади. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ой мобайнида икки давлат ўртасидаги маҳсулот айрибошлаш 238 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,7 фоиз кўпдир.

Алоуддин ҒАҒФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Миллий армиямиз ташкил этилганининг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган йилнинг «Энг яхши сержанти», «Энг яхши гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири» ҳамда «Энг яхши батальон командири» танловлари давом этмоқда.

НАВБАТДАГИ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМА

Ички ишлар вазирлигининг қоровул қўшинлари таркибида иккинчи тур голиблари аниқланди. Унда элликдан ортиқ ҳарбий иштирок этди.

— Сержant ва офицерлар эгаллаган вазифасига оид шартлар билан бирга қисқа ва узоқ масофага югуриш, граната улоқтириш, ҳарбий учураш, саф тайёргарлиги, қуролдан фойдаланиш, отиш, умумий ҳарбий низоом ҳамда маънавий-сиёсий тайёргарлик каби йўналишлар бўйича билим ва маҳоратини намойиш этдилар, — дейди қоровул қўшинлари

қўмондонининг ўринбосари, полковник Муид Ғолилов. — Бундай мусобақалар аскарларнинг жанговар шайлигини янада оширишга хизмат қилади.

Кичик сержant Х.Ҳолиқов қоровул қўшинларининг 2004 йилдаги «Энг яхши сержанти», лейтенант Н.Ғулбoев «Энг яхши гуруҳ командири», подполковник У.Ҳолматов «Энг яхши батальон командири» деб топилди.

Ғолиблар Қуролли Кучларимизнинг барча қўшин турлари бўйича ўтказиладиган яқунловчи босқичда иштирок этди.

МУСАВВИРНИНГ ОРЗУСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида ёш мусаввир Камолжон Бобоевнинг «Орзу» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

К.Бобоев аввал Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, сўнгра Италиянинг «Альдо Галли» Бадий академиясида таҳсил олган. Мусаввирнинг асарлари Европанинг бир неча давлатларидаги халқаро кўргазмаларда намойиш этилган.

Рассом ижодида Шарқ ва Ғарб таъсирий санъати анъаналарининг ўзаро ҳамоҳанглиги сезилади. Бу айниқса унинг «Мёмор хаёллари», «Онам сиймоси», «Бешиқдаги умид», «Соддалик жозибаси», «Ешлик — зангори фасл» каби асарларида яққол намоён бўлган.

ЎЗА

Спорт

**«ОМАД» —
УЧИНЧИ
ЎРИНДА**

Маълумки, волейбол буйича мамлакат чемпионати мусобақаларига буйил маълум ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, суперлигада эндиликда тўртта эркаклар жамоаси қатнашмоқда.

Суперлиганинг биринчи тур учрашувлари Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Тошкентнинг «Омад», Самарқанднинг «ЎЗИ-Самарқанд», Олмаликнинг ОТМК ҳамда Қўқоннинг «Универсал - банк» эркаклар жамоасалари ўзаро куч синашди.

Мусобақа Низомига кўра турнир қатнашчилари биринчи тур пешқадамларини аниқлаш мақсадида бир-бирлари билан иккитадан ўйин ўтказишди. Ўйинлар натижаларига мувофиқ 12 очко жағфарган «ЎЗИ-Самарқанд» ҳозирда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Хамшахарларимиз — «Омад» жамоаси волейболчилари саккиз очко билан учинчи ўринда боришмоқда.

Иккинчи тур беллашувларига Самарқанд шаҳрида 9 декабрда старт берилди.

**МУВАФФАҚИ-
ЯТЛИ
ҚАТНАШИШДИ**

Армрестлинг — бошқа спорт турларидан кескин фарқ қилади. Зеро, унда кўл кучи буйича рақибдан устун келувчи спортчилар зафар кучади.

Кейинги йилларда нисбатан ёш спорт тури бўлиши армрестлинг мамлакатимизда жадал ривожланиб бормоқда. Ушбу спорт ишқибозлари ногиронлар ўртасида армрестлинг буйича кўп марта жаҳон чемпионати Умид Аҳмедовнинг матонати ва иродасига тан беришди.

Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида бўлиб ўтган армрестлинг буйича жаҳон чемпионати беллашувларида юртимиз спортчилари энг кучлилар қаторида эканликларини яна бир қарра исботлашди.

Ушбу нуфузли мусобақада қатнашган 7 нафар армрестлинг усталиш учта кумуш ва тўртта бронза нишонларини қўлга киритиб юртимизга ёруғ юз билан қайтишди.

Терма жамоамиз муваффақиятига айниқса 100 килограммгача вазнда баҳс юритган Фарид Усмонов катта хисса қўшди. У ўнг ва чап қўлларда беллашиб, биттадан кумуш ва бронза нишонларининг соҳиби бўлди. Энг тажрибали спортчимиз Умид Аҳмедов ҳам худди шундай натижа қўрсатди.

60 килограммгача вазнда қатнашган Мирзохид Шарипов кумуш, Осиё чемпиони Аваз Асадов эса иккита бронза медалларига эга бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

Азобни кўрсатиб, шодликни, соғинч-ни, орзуни кўрсатиб. Армон дерлар, озор дерлар, изтироб дерлар ва бахт дерлар унинг номини. Уларнинг номлари кўп, жудаям кўп, уларнинг номлари, яхшиликка ва ёмонликка йўрилган ҳаёт йўллари.

Ярим умр, яхлит бир умрнинг ярми, Инсон хоҳ ўзи, хоҳ ўзгалар умри ҳақида шундай дейиши мумкинми. «Ярим умримни яшаб қўйдим» ё бўлмаса «Шунча умрим қолди» дея оладими ахир?

Билмайдик, билмайди ўша умрнинг асл поёни чек-чегарасини, ҳажми-ю, ҳисобини ҳам. Азиз кексаларга узун умрлар тилайлиги ўйлаб кўрайлик, ким кимга ганимат. Умр ёш ёки кекса деб қараб турмайди.

Ҳаёт бу табиат томонидан берилган олий эҳсонми? Қисмат аталмиш бир тарозибоннинг найранглари-ю, бетайин ўйинларими? Ёхуд Яратганнинг химмати ё мукофоти, балки жазоси... Инсонлар билан ҳисоблашиб ўтирибман, нима топдинг, нима йўқотдинг деб. Неларга эга бўлдинг ва недан махрумсан деб. Суриштириб ўтиришди, улгурдингми йўқ, юмушларинг қолдими дея. Келдинг, ихтиёрсиз, кетарсан хоҳишсиз, бу ҳаётнинг ўзгартириб бўлмас қонунидир. Ҳаёт йўлларидаги умр тоши эса эзаверади, сонсиз сўроқлар ила. «Кимман ўзи?», неларга эришим одам бўлиб, неларга қодирман, ортимдан нима қолди?..»

Умр кўрмоқдан не маъно, яшамоқми, ёхуд кун кўрмоқ. Умр йўллари залворли, баъзан кўтармоққа мажол йўқ. Мен эса узилган умид ипларининг тугунини санайман. Баъзан ҳисоблардан адашиб кетаман. Хисоби йўқ бу санокларнинг, саноксиз азобларнинг ҳам. Гўё ташналикда бир кўлтурм сувни ичиб ютмай туриб тўйган кимсадай. Баъзан эса ичимдаги иккинчи «Мен» деган шахс ўзимни сўроққа туташлар. Шунда оғриқлар жисму жонимга сингиб кетар, сўроқлар

эса ўз-ўзини рад этиб жавоб излар. Юрагимнинг армонлари, бўшлиқлари аро елиб-югуриб сўнг сингиб кетар йўқсизлик қаърига. Чексиз хаёллар уммониға. Гоҳида ўз-ўзим билан умрим сўқмоқлариди савол-жавоб қиламан.

— Умр дейман, ўзинг-ку ҳеч кимсага вафо қилмассан. Умр бевафодир демиш кексалар. На яхшини билдинг, на бир ёмонни, жимсан, ҳамisha нима десалар?

— Умр дер ярамга туз сепмағил бунча. Куймаган, ёнмаган бормикан менча. Одамнинг ёмони кўзимни ўйди, тилим-

дао?

— Мен тилаган энг юксак чўққини бергил.

— У нимаиди камолотми, забт этгил ўзинг!

— Тилаганим умид эди туганмас уммон.

— Ойдин орзуларинг бўлсин беармон.

— Истаганим энг бандан парвоз ҳам эди.

— Таянчингдир қанотинг — қанот эса бардош, ният эса ҳамisha йўлдош, яхши тилак ўзи бу парвоз.

— Тилаганим олий куч, енгилмас қудрат.

— Майли сўра бошқасини бунимас фақат.

— Умр дейман менга бошқа нарса керакмас. Бу суҳбатнинг кети кўринмас.

Умр тоши, кўтара олмай қолдим мен сени. Йўқотишлар, аламлар, изсиз келган азоблар ва кўргуликлар юрагимни гажийверади. Ўзим кулар, қалбим-чи йиғлар, ай-толмайман дардларимни қалбим бўғилар. Йўл эса олис... Охири кўринмас.

Балки гуноҳларим бордир буйнимда, беғуноҳ Оллоҳ, бандаси эмас. Ҳаёт йўли, умр бешиги, ўтинчим бор сўровим эмас. Сенинг тошинг залворлидир баъзан кўтармоққа етмас бардошим. Сендан бойлик сўрмадим ёки мартаба, ҳашаматли қошларим истамас кўнгилик...

Борлигимнинг борида икки гунча унади. Улар меннинг бугуним, улар меннинг эртандир, ҳаётдаги қувончим, меннинг юрар йўлимдир, ёниб турган машъалам ва мазмунли умримдир.

Узоқ қилгин улар умрини, пешонаси яракласин соф муҳаббатдан. Армон берма, дард бермагин холис ўтинчим. Асра ўзинг гард тегмасин киприқларига, қаттиқ шамол тўзгитмасин сочларин илло. Энг мунаввар, энг муқаррам кунларингни бахш эт шуларга. Бисотимнинг бору йўғи Ойдин, Заримга!

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ҷўлар

**КЎНГИЛ
САРҲАДЛАРИДА**

Умр нима ўзи? Кимлар учундир ноёб бебахо бойлик, аммо бошқалар учун ортиқча юкка айланар. Инсон умрини оқар дарё дейдилар. Йўқ дарё эмас у. Дарё эмас, тўлиб-тўлиб тошгали, югуртилба оққани. Умр шошмайди, чопмайди. У бир жойда тураверади.

ни сугурди, бўғзимдан сўйди. Хиёнат макридан дилга ин қурди. Алдову фирибдир кўрган қалбимнинг кўзлари ситилди, охири кўр бўлди. Шунда одамзот мени «сўқир қисмат» деди. Шу бўлди оқибат бизнинг насиба мен-да ортиқча ҳисларимни қалбимдан сугуриб отдим, беҳисус нодонлар хиёнатидан ўзлигимни йўқотдим, тош каби қотдим!

— Умр дейман ўтмишингни олиб кет мендан, бугунимни занжирлардан узиб ташла. Вақт кишинини еч. Халос эт юрагимни оғир юкдан.

— Умр дер ўтмишсиз яшаб бўлмас, мақсад фақат кун кўрмоқ эмас.

— Бугунинг-чи дейман. Бу кунинг?

— Ахир бўлмаганидек кечам бугунсиз, эрта ҳам шахсиз бу кунсиз бўлмас.

— Умр йўқса тилақларим этгил сен бажо?

— Тилақларинг нима эзур, недур муд-

Табииёт ажойиботлари

**ҚАЙНОҚ
ТАНА
ЭГАСИ...**

Ҳаётда ажаботвор ҳодисаларга учраб турамиз. Бир вақтлар мени экстрасенсларга халқ табобати борасида маъруза қилишни таклиф эттишди. Танафуслардан бирида ёши тахминан 10ларда бўлган Илҳом исмли болани таништириб, унинг гайритабиий хунарларидан давҳа кўрсатди.

Илҳомга ўзининг танасига ҳар хил металл буюмларни «ёпиштириб» қўяр эди. Жумладан, пешонасига ён соатни илб қўйса, яланғоч кўкрагига тарозунинг лаппагини қўйиб турган. Кизиги шундаки, металл жисмлар боланинг баданидан сирғаниб тушиб кетмас эди.

1996 йилда Республикамизнинг нуфузли газеталарида фаройиб бир ҳодиса ҳақида маълумотлар келтирилган эди. Ўттиз беш ёшли Дэн Бинхуа исмли йигит Хитойнинг Нанкин шаҳридаги тамадхоналардан бирида хизмат қилади. Кизиги шундаки, Дэн Бинхуа ўз танасидаги йўғон қон томирлари устига ўрнатил-

ган турли идишлардаги сувни ички биологик қувват билан бир неча дақиқа ичида бемалол қайната биши хислатига эга бўлган. Бундай гайритабиий қобилият фақат атрофдагиларни ҳайратга солибгина қолмай, балки олимларни ҳам гоят таажублантиради. «Оташ-қайноқ» тана эгасининг айтишига қараганда, унинг отаси, ҳатто бобосида ҳам ана шундай мўъжизакор хислатлар бўлган экан. Вақтли маتبот — «Чайна геральд» газета саҳифаларида баён этилишича, у ўзининг ажаботвор қобилиятини бизнесга бағишлайди.

**ФАРОЙИБ
УЮШМА**

Маълумки, жамоатчилик асосида тузилган уюшмалар айрим гуруҳ кишиларнинг манфаатига жавоб беради, маъмур уюшма аъзоларининг фаолиятини химоя қилади.

Болгариянинг Говежда қишлоғида мўйловдорлар уюшмаси ташкил этилганда ақсарият кишилар бу қандай ташкилот бўлди, деб ажабланган эдилар. Шунинг айтиш керакки, Болгарияда мўйлов ҳамisha эркакларнинг фахри, маълум да-

ражада обрўси ва салоҳатлик нишонаси бўлиб келган. Шу босдан ҳам «Мўйловдорлар уюшмаси»га қабул этилган одам ўз қароргоҳи бўлмиш қишлоқини ободонлаштириш ва ўрмонларни муҳофаза қилиш, иложи борича парваришлар ишларига ёрдам бериш мажбуриятини олади. Ҳаждардан келган даромад эса мўйловдорлар намоийшига сарфланади. Намойишда саф тортиб турган турфа кўриниш ва қўйфадаги шоп мўйлов кўйган кишилар қишлоқ кўчалари бўйлаб виқор билан сайр қилишади, хилма-хил ўйинлар, томошалар кўрсатишади.

Мабодо қишлоқда бирорта киши хасталаниб қолгудек бўлса, мўйловдорлар уюшманинг ҳолидан хабар олиб, уй-рўзгор, ҳўжалик ишларига қарашади.

Мўйловдорлар кези келганида муҳтож одамларнинг мушқулини енгил қилган эркакни асл, рисоладек эркак деб билишади. Тантанавор мўйлов қўйиш ҳаммининг ҳам қўлидан келади. Бироқ «Мўйловдорлар уюшмаси» аъзоси бўлишнинг ўзи енгил кечмайди. Бунинг учун номга муносиб келадиган хайрли ишлар қилиш лозим бўлади.

МАННОН НАБИЕВ
тайёрлаган.

Қаққаза

Ўтган асрнинг ўрталарида Парижда оперетталар ёзиб кун кўрайдиган бошловчи адабиётчи йиртқч-ямоқ қўйлақда юриб, онасига: «Сизни бағоят эъзозловчи узун бурун» ... деб имзо чекканча хат ёзар экан.

Бу камбағал ҳамда ҳазилкаш киши бўлажак фантаст ёзувчи ва олим Жюль Верн экан.

Қадимий юнонларнинг машҳур масалчиси Эзоп қўл бўлган. Бир кун ҳўжаси уни майда-чуйда олиб келиш учун шаҳарга юборибди. Йўлда унга бир судья учраб, ундан:

— Қаёққа кетгансан? — деб сўрабди.

— Билмайман, — жавоб қилибди унга Эзоп.

Унинг бу жавоби судьяга ёқмабди-да, дарҳол Эзопни тутиб, қамашга буюрибди.

— Мен сизга тўғриси айтмадимми, жаноблар — дебди Эзоп шунда. — Ҳақиқатан ҳам ўзимнинг қамоққа кетаётганимни энди билдим.

Унинг бу сўзларига судья беҳиштиёр қулмисирабди-да, озод қилишни буюрибди.

Инглиз рассоми Унстлернинг қандайдир асарини бир миллионер катта пулга сотиб олибди. Кейинчалик, рассом бу суратни бор-йўғи икки соат ичида қизиб тутатганини эшитиб:

— Бу қандай адолатсизлик! Бошқалар терга ботиб кечая қундуз тинмай меҳнат қилади, у бўлса бор-йўғи икки соат ичида беҳисоб бойлик топса, — дея рассомини сулга берибди.

— Қани айтгинчи — дебди суд ҳайъати рассомага, — шу суратни ишлашга қанча вақт сарф қилдингиз?

Шунда мусаввир ўрнидан туриб:

— Менинг ҳозирга қадар яшаган умримга икки соат қўшсангиз, суратни қизишга кетган вақт ҳисоби чиқади, — дебди.



Муассис:
Тошкент шаҳор
ҳокимлиги

Буюртма Г-109.

**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2812 нусxada босилади. Қонот биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.